

Президент Деҳлига жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 апрел куни давлат ташири билан Ҳиндистон Республикасига жўнаб кетди. Сафар олдида мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.

Ҳиндистон бугунги кунда кўплаб соҳаларда жадал имконияти, ўз салоҳиятини жаҳонга тобора кенгроқ намойиш этаятган давлатлардан, - деди Ислам Каримов. - Бу мамлакат, айниқса, ахборот технологиялари соҳасида ривожланган давлатлар қаторидан жой олган. Биргина 2004 йилда 12,5 миллиард АҚШ доллари-

га тенг ахборот технологиялари маҳсулотини экспорт қилган бунинг ёрқин далилидир. Ушбу мамлакат сўнгги пайтларда ҳарбий-техника, фазовий тадқиқотлар соҳасида ҳам катта қадамлар ташламоқда.

Ислам Каримов таширидан қўзланган мақсадлар ҳусусида тўхталар экан, Ҳиндистон билан иқтисодий, маданий ва таълим соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон учун жуда муҳимлигини қайд этди.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлиқнинг ҳуқуқий асосини қирқдан ортқ ҳужжат таш-

кил этади.

Юртимизда ҳиндистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ўттиздан зиёд қўшма корхона фаолият юритмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилнинг ўн бир ойида 121 миллион долларга тенг бўлди.

Президентимизнинг Ҳиндистонга давлат ташири давомида бўлиб ўтадиган олий даражадаги учрашувлар ва имзолаш ҳужжатлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ф.АРЗИЕВ,
ЎзА муҳбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Банклар - иқтисодиёт таянчи

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришда банклар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга бағишланган йилгиш бўлиб ўтди.

Уни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси Ўзбекистон Марказий банки ва тижорат банклари билан ҳамкорликда ташкил этди.

Маъмур қўмита раиси А.Ахдов бошқарган йилгишда мамлакатимизда банк тизимини ислох қилиш бўйича кенг қўлланма ишлар амалга оширилган таъкидланди. Банк тизимида иқтисодиётнинг реал секторидagi жараёнларни ўзида акс

этирувчи сифат ўзгаришлари яққол намойиш бўла бошлади. Иқтисодиётнинг барқарорлашуви банкларда омонатларнинг барқарор ўсиши, тижорат банкларини қўрсатаётган хизматлар қўламининг кенгайишида муҳим омил бўлаётган.

Тадбирда банк тизимининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, банкларнинг иқтисодий ислохотларини чуқурлаштиришдаги ўрни, иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш ва микрокредитлаш, шунингдек, Марказий банкнинг пул-кредит ҳамда валютасиёсати, кредитлар ва депозитлар бўйича фойзаларни шакллантириш, уларга таъсир қилувчи омиллар ҳусусидаги маърузалар тингланди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎзА муҳбири.

ФЕРМЕР:

Кўмак беқийс, аҳдимиз қатъий

Юртбошимизнинг фермер хўжалиқларини ривожлантиришга қаратилган Фармонлари, ҳукумат қарорларининг изчил амалга оширилиши туфайли «Пахта Банк», бошқа тижорат банклари фермерларни имтиёзли кредитлар билан қувватлашни кучайтирмоқдалар.

«Пахта Банк»нинг ўзи ўтган йили саккиз виллоятнинг фермер хўжалиқлари пахта ва галла ҳосили етиштириш харажатлари учун 31,4 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратди. Айтайлик, Элиқалъа, Марҳамат, Нишон ва Шеробод туманларининг фермер хўжалиқлари, уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар Халқор Тикланиш ва Тараққиёт банки иштирокидаги лойиҳа доирасида ажратилган 650 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағга қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишди. 109 та фермер хўжалиғи эса бундай машина-механизмларни Осиё Ривожланиш Банки ажратган кредит маблағлари ҳисобига сотиб олди. 32 та фермер хўжалиғи эса ўз техника базасини «Пахта Банк» ёрдамида лизинг хизмати орқали кенгайтиришга муваффақ бўлди.

Ҳукуматимизнинг бизга эркин меҳнат қилиш учун шароит яратиб бераётгани менга ўшаган мулкдорлар сафининг йилдан-йилга ортиб боришига йўл очмоқда, - дейди Улунор туманидаги «Мамажон бува» фермер хўжалиғи раҳбари Муҳаммадjon Мирзакаримов. - Бунинг кейинги йилларда, айниқса, яққол сеза бошладик. Имтиёзли кредитлар олиш осонлашди, ортиқча тўғонлар ўртадан кўтариб ташланди. Эндиликда эҳтиёжимизга қараб, техника, минерал ўғитларни етарлича олаёламиз. Шу кейинги йилларда пахтага галладан мўл ҳосил ола бошладик. Масалан, ўтган йили 39 гектар ерда дон етиштирдик. Ўртача ҳосилдорлик 72 центнердан ошиб кетди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди, албатта. Галлачиликнинг ўзидан салкам 31 миллион сўм соф фойда олишга эришдик. 89,6 гектар майдонда пахта етиштирдик. Ҳосилдорлик қарийб 30 центнерни ташкил қилиб, шунга яраша соф фойдамиз 66,5 миллион сўмдан ошди.

Фермер бўлиш осон, лекин уни урдалаш қийин, - дейди Пастдарғом туманидаги «Пардабобо Мирзақобилов» фермер хўжалиғи раҳбари Убайдулло Пардаев. - Дан-

гасалик мўлғалоқ кетмайди. Ишланг, изланг, меҳнатингиз ҳазурини қўшинг. Бунинг учун ҳукуматимиз яхшигина шароит яратиб қўйибди. Шунга амал қилган одам ҳеч қачон бировдан кам бўлмай яшайди.

Фермерликни бошлаганимга энди тўрт йил бўлди. Яхшики, ер олиб уялиб қолмадик. Айни пайтда фермамизда 200 бош қорамол парваришланмоқда. Ўтган йили 165 тонна сўт соғиб олдик.

Уни ўзимиз қайта ишладик. Бунга имкониятимиз бор. 23 гектардаги пахта майдонининг ҳар гектаридан эса ўртача 48 центнердан ҳосил етиштирдик. Қисқаси, 2004 йилдаги умумий даромадимиз 64,5 миллион сўмдан ошиб кетди. Ниятимиз - жорий йилда ишлаб чиқаришни бир ярим баробар кўпайтириб, гўшт етиштиришни 10 тоннага етказиш.

Қишлоқда тобора кенг қўлаш касб этаётган фермерлик ҳаракати-га бугун ҳамма маддакор. Биз бир қатор ваколатли идораларда бўлиб, бу соҳадаги ишларнинг ҳолати билан қизиқдик.

Онигини айтсак, ишимиз тизиг, - дейди «Ўқимёсанот» компанияси бўлим бошлиғи Нуъмонжон

Рахмонов. - Бу йилги ҳосил учун минерал ўғитлар етказиб бериш бўйича фермер хўжалиқлари билан 85 мингдан ортқ шартнома туздик. Уларга 301,6 минг тонна азотли, 80 минг тонна фосфорли, 15,3 минг тонна калийли ўғит етказиб беришга киришдик.

Биз ўтган йили 4 мингдан ортқ фермер хўжалиғига тайёрлов ташкилотлари вақтида тўламай келаётган 1 миллиард 96 миллион сўм маблағни

ундириб беришга эришдик, - дейди Республика Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Урол Норинов. - Уюшмамиз ҳудудий вакилликларининг аралашуви билан 1621 та фермер хўжалиғига 19 минг гектардан кўпроқ ер майдони ажратиб берилди.

Олинган тезкор маълумотларга қараганда, 2004 йил охирида тугатилган ширкат хўжалиқлари негизда 22311 фермер хўжалиқлари ташкил қилинди. Уларга 706672 гектар ер майдони ажратиб берилди. Шу йилнинг биринчи чорағида ташкил этилган фермер хўжалиқлари билан қўшиб ҳисоблаганда, айни пайтда республикаимизда

126232 та фермер хўжалиқлари фаолият кўрсатмоқда. Ўртача битта фермер хўжалиғига 28,9 гектар ер майдони, ишловчилар сони эса 7 нафарга тўғри келаяпти.

Қишлоқларда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида, 2005 йилнинг ўтган даврида фермерларга хизмат кўрсатувчи бир қанча шохобчалар ташкил қилинди. Масалан, олинган маълумотларга қўра, ҳозиргача 389 муқобил МТП, 338 та Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 292 та ёнлиғи-мойлаш материаллари сотиш, 150 та минерал ўғитлар сотиш, 110 та қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

сотиш, 109 та зотли молларни сотиш ва зооветеринария хизматлари кўрсатиш, 85 та ахборот таъминоти ва консалтинг шохобчалари, 257 та мини банклар ташкил этилди. Бу ишлар давом эттирилмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, фермер хўжалиқларининг мамлакатимиз қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мисол учун бу йил фермерлар томонидан жами 2943,6 минг тонна галла етиштирилиши кутилмоқда. Бу ўтган йилдагига нисбатан 311 минг тонна кўп дон етиштирилади, деганидир. Ёки пахтачиликни олайлик: 2005 йилда фермер хўжалиқларининг пахта етиштиришдаги ялпи ҳосили 2228,3 минг тоннага ташкил этиши кутилаяпти. Бу эса ўтган йилдагидан 400 минг тонна кўп «оқ олтин» етиштирилишини кўрсатади. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, ана шунда бу йил республикаимиз бўйича етиштирилган пахта-галланинг қарийб 55 фоизи айнан фермерлар томонидан етказиб берилиши кутилмоқда.

Шавкат ОРТИКОВ,
шаҳрловчи.



Майсани пайҳонлама - ризқингни увол қилма!

Бугдой майсалари барқ уриб ўсмоқда. Кўриб қўзингиз қувнайди. Сал ўтиб бўлиқ бошоқлар чиқади. Бошоқми... у дон. Дон эса - нон... Майсалар моҳиятида нон мавжуд. Уни кўзга суртса арзийди...

Бироқ, нонга нон бугдойроғга қараб лол қоласиз. Ситирлар, ҳўкизлар... моллар ям-яшил майсаларни тўқлари билан пайҳонламоқда. Мажр уриб ўсаётган экинни янчимоқда, йўқ қилмоқда. Тера сочингиз тикка бўлади. Кўнлингизда ҳайқир-қиласиз: «Қайси инсофсизнинг моли бу?! Қоровул қаёқда? Фермер хўжалиғи бошлиғи нега бепарво?! Ахир моллар ноннинг устида бораётган-ку... нонни тепиб, тепкилаб...»

Элнинг раҳна сол-бу? Виж-бундан орми? Минг галлазорларни пайҳон қилиш бот-бот учрамоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2005 йил 5 мартда «Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Сурхондарё вилоят прокуратураси қарор ижросини таъминлаш мақсадида махсус тадбир ишлаб чиқди.

Вилоятда экинларни пайҳондан асраш учун кенг миқёсда ишлар ташкил этилган. Галла униб чиқар-қиймас даладар атрофига тўсиқлар қўйилди. Аввалги йиллар бу иш ҳўжакўрсингагина қилинган. Натижада кўплаб майдонларда майсалар молларга ем бўларди. Бу йил деҳқоннинг ҳам, фермер раҳбарининг ҳам маъсулияти кўчиди. Майсазорларга дастурхондаги ризқу барака сифатида қараш шаклланди.

(Давоми 2-бетда)

ЖАРАЁН

Мамлакатимизда «Фарқларол соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш орқали маъмур тизимининг қонуний ва меъёрий негизи яратилмоқда.

Шунга қўра, шошилч тиббий ёрдам кўрсатиш хизматининг замонавий ва мақсадли йўналишининг ташкил

Нодавлат тиббиёт тизими

этиш, аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами қўрсатишни соддалаштириш ва болаликни муҳофаза қилиш ишларини кучайтириш қаторида нодавлат тиббиёт тизимини шакллантириш мақсадида эришиш кўзда тутилган. Ҳўш, бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш башқармасининг соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш, ҳусусийлаштириш ва пуллик хизматлари бошқармаси бошлиғи Комила Ибра-

Тадбиркорга тўсиқ бўлманг!

Кичик бизнес, ҳусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятини рағбатлантириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун ҳужжатларини суд амалиётида қўллаш тажрибаси шунини кўрсатадики, судлар уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда тан етказилган навий зарарлар қаратишга эътиришни тако-

Нафиса Мадрағимова ҳусусий тадбиркор. Саккиз йилдан буён чеварчилик билан шуғулланади. Уйдаги тикув дастгоҳларида оила аъзолари билан аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган турли кийим-кечакларни тикишади. Олинган даромадидан солиқларни ўз вақтида тўлаб боради. Қилаётган ишидан ҳам ўзи наф қўради, ҳам давлат хазинаси бойишига улуш қўшади.

(Давоми 2-бетда)



БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Бу йил ўзи ҳаётиги давридаёқ мағрибу машриққа машур «Жоруллох» («Оллоҳнинг қўлини» лақабини олган, «Устоз-ул дунё» (Дунё олимларининг устози) деб эътироф этилган буюқ қомусий олим аз-Замахшарий таваллудига 930 йил тўлди. Дунё илм-фани ривожига беқийс ҳисса қўшган бу улуг

барча замонларда ҳам мамлакат ривожини, илм-фан, адабиёт ва санъатдаги юксалишлар юртининг қарамлиқдан қўлланганидан сўнг бошланган. Тарихдан маълумки, Хоразм давлати Маҳмуд Фазнавий томонидан 1017 йилда тўла мустақлаққа айлантирилган, илм-фан, маданият аҳли, ҳатто хунармандларгача фазнавийлар пойтахти Фазна шаҳрига

Қомусий аллома

бобокалонимизнинг маънавий мероси ҳақида нималарни биламиз? Урганч Давлат университети доценти, шарқшунос олим Абдулла Аҳмедов бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди.

«Авалло, шунинг таъкидлаш жоизки, илмий меросимизни атрофича ўрганишга мустақилликка эришганимиздан сўнг имконини туғилганидек,

олиб кетилган. Улар орасида буюқ аллома Абу Райҳон Беруний бошчилигидаги Маъруф академияси олимлари ҳам бор эди. Отаси ўрнини эгаллаган Қутбиддин Муҳаммадга 1097 йилда Хоразмшоҳ унвони берилди. Шундан бўлса-да, ўлка ҳамон салжукчиларга қарам эди.

(Давоми 4-бетда)

